



ЁШ ЛЕНИНЧИ

Ўзбекистон комсомол-ёшлари рўзномаси

1991 йил
23 март
Шанба

№ 46 (13.732).
Баҳоиси:
Обуначига — 6 тийин.
Сотувага — 10 тийин.

• АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ МУШТАРИЙ!

• السلام عليكم، عزيزي مشتری!

Ўлкамизда Наврўз айёми



Баҳор ва тотувлик байрами



Пахта кўрагию, эндигина ниш уриб келётган новдага кўш шуъласи тушиб турибди — бу йилги Наврўзнинг рамзи ана шундай. Бу рамзда табиатнинг уйғониши, ҳаётнинг яна барқ уриши, кўламининг келиши акс этган. Наврўзнинг буюк моҳияти, унинг завол билмас сабоғи шунданки, инсон бугун ерга қадалётган уруққа қараб, кўзда ётқилган ҳосилни тасаввур этади, новдани кўриб, кўм-кўк дарахтни кўнглидан ўтказиши, эртани ҳосил у шу кунларда она ер бағрига экётган уруққа боғлиқ эканлигини ҳис этади. Бу йилги Наврўз бутун мамлакат, шу жумладан бизнинг жумҳуриятимиз ҳам оғир даъватларнинг бошдан кечирётган кезда ташриф буюрди. Ҳаммининг ўй-ташвишлари ортиб кетган. Муаммолар ҳам етарли. Худди шу бонсдан ҳам ана шу байрамнинг қадри бебаҳодир. У бир олам қувончга титилдики, чунки Наврўз умминсоний қадриятларни юзага чиқаради, эъозлайди, ўзаро ишонч, аҳли кўшнчилик, ўзаро ёрдам руҳини мустаҳкамлайди. Шояр айтганидай, дўст билан обод уйинг, гар бўлса у айроно ҳам; дўст қадам қўймас экан, айронодур қонона ҳам. Наврўз бизни олижанобликка, маҳр-оқибатга, дўст ва инсонликка чорланганда, Халқ байрами тантаналари камаладек товланиб туради.

дилар, ўз удумлари, анъаналарини кўрсатдилар.

Ҳозир эса барча миллатларга мансуб одамлар олдиде ягона вазифа турибди, у ҳам бўлса мушкул даврдан омонсон чиқишдир. Инсон қадриятининг ерга урмаслиқидир, қарама-қаршиликлар чоҳига тушиб кетмаслиқидир, тинчлик-омонликни, оқойишликни сақлаб қолишдир. Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов тошкентликлар билан шу кунни кўп марта учрашди. Шаҳар аҳли Президентимизга худди ана шу гапни айтди. Жумҳуриятимиз раҳбарлари Тошкентнинг кўпгина гушаларида бўлишиб, табаррук оқсоқолларни, кўп болалари оналарни, меҳнаткаш аёлларни, йигит-қизларни ва жажжи болажонларни баҳор айёми билан қўлга олдирди. И. А. Каримов ва жумҳуриятнинг бошқа раҳбарлари Наврўзда кўчга ўтказишда кўнча анъаналарга қўра Амал Икромов ноҳиясида нав-ниҳоллар ўтказишди.



«Одамлар эй, одамлар, эшитмади деманглар...» Жарчи элу-юрта байрамона фармони етказди: кўна Тошкентнинг барча дарвозалари меҳмонлар пойтахтига кенг очилсин. Ўзбекистон пойтахтининг юраги бўлган В. И. Ленин номида Марказий майдонда қадимий Шошнинг кўна дарвозалари кўрилган эди. Утмиш асрларда бу шаҳар эмининг ўн икки дарвозаси бўлган экан. Хуллас дарвозалар очилди, қарнай янграб кетди. Доиралар, ногоралар чалинди. Санъаткорлар банисоли бир каровондек тизилиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб, майдонга кириб кела бошладилар. Наврўзнинг афсонавий қаҳрамонлари кўз ўнгимизда намоян бўлишди. Менг, — жамалек соғли баҳорой. Бу эса Дехқон-бобо, Момо ер тисоли — ҳам шундай эди. Улуғ ширлар — Навоий, Дехлавий, Шерозий, Хоразмий ва Муқимий ўтмиш асрлар силсиласидан бугунги кунимизга, ҳозирги авлодларга салом етказишгадек бўлишди. Тошкент театрларининг саниа усталари буюк аждодларимизнинг сиймосларини кўз ўнгимизда гавдалантирдилар.

Шу кунни даҳаларда, маҳалларда Наврўз шодиконалари давом этди, шўх қўшиқлар янгради, дараalarda рақосалар хиром этишди. Наврўз арафасида тошкентликлар ҳашарга чиқишиб, ҳовлиларни, кўчаларни тозалашди, дов-дархатлар экидилар. Боморларнинг ҳолидан хабар олдилар, кексаларни эиберт қилдилар, бечоракўл одамларга ёрдам бердилар. Шундан кейинги байрам дастурхонини эиштиб, анъанавий таом бўлган сумалакни тортишди. Ўртага масхараболлар ва қизқичилар, дорболлар ва полвонлар чиқишди, турлитуман ўйинлар бўлди.

Жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида, ноҳияларида, қишлоқ ва маҳаллаларда баҳор байрами — Наврўз тантаналари давом этмоқда.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
(ЎЗАТГ мухбири).

БУГУН ТОШКЕНТДА ЖУМҲУРИЯТ ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОИИ ОЧИЛАДИ



Дехқон, дала, даромад

Яшириб нима қилдик. Қайта ишланадиган, тўқилиб-бичиладиган, асалиб, қуйиладиган нарсалар дўкон пештахталаридан гоийб бўлганига ҳам анча бўлди.

Эмин-эркин оладиган нимамиз бор! Дехқончилик маҳсулотлари, Олма, анор, помидор, бодиринг, қовун-тервуз, пилёз-картошка. Айтган мақул. Улар қиммат, аммо бор. Ҳозир шунга шўр қилиб қолдик. Лекин ундаги нарх-навоининг кўтарилишида далачининг айби борми! Агар бўлса нимада у!

Собиқ комсомол ходими, ёш етакчи Қарши ноҳиясининг Қарл Маркс номидаги давлат хўжалиги директори Серб Хўжақулов билан суҳбатлашадиган олдун хўжаликдан ўтган фикрлар бу. Икки оғиз сўз хўжалик ҳақида. У вилоятдаги бой-бадавлат хўжаликлардан бири. Ундаги элу-улус тўкин яшайди. Ойлар ўзига тўй. — Бўрттириш эмас, Серб келганидан сўнггина пул кўрдик, — дейди Аваз Туробов. — Йилга беш йилдан бери ишлайман. Етамкин бўлиб. Шунинг икки-уч йилдан бери ҳаммаини тўла. Эганимиз бут. Шахсий дамаридага эганимиз. Бир масумда эр-хотин, қизим ишлаб 20 минг сўм олдик. Мукофот ҳам берилди. 11 минг сўм! Ростаданми етакчига кўп нарса боғлиқ. Ҳамма аш унинг измида-да. У халқларар бўлса борми! Элу-улуснинг бахти. Бир икки, иккиси ўн бўлади.

Серб Хўжақулов билан гурунлашадиган, ундаги бу фаилларнинг уқаман. Узи табиятан мулоким, аммо қатъий сўз. Ишибилармон. Фикрлари дадил. ИСБОТЛИ. Уқтам.

— 1989 хўжалик йилида 3,5 миллион сўм соф даромад қилувдик. Бу пулли халқ топган. Жазирамада куйиб. Шунинг иносбатга олиб, бир миллион 126 минг сўм меҳнат қилганларга мукофот тарихида берилди.

«Промилларнинг кўна-кўн тармоқ отиб кетётганидан ўйлаб қоламан. Бундан бозинда саросималанаман ҳам. Унинг бунчалар илдиз отишига эҳтиёж бормикан! Амриқода агропромдан фақат бир киши мош олади. Қолган юмуш жамоатчилик аҳли зиммасида. Бизда эса тескарисин. Йўқотамиз дейиш-у, номини янглаб қўя қоламиз.

Мен америконликларнинг менежерлик мактабиде тахсил олганимданми, ўзимизни ўшаларга теққослагим келди. Улардан ибрат оладиган кўп нарсалар бор. Амриқода, дейлик 60 минг сўмлик техника қишлоқ хўжалик қорхонасига сотилди. Табиийки у эскирди. Бу яроқсиз матоҳ ўзимиздеги каби уларда чуқурга ташлаб юборилмайди. Пулланиди. Қай тариха дейсизми! Техникани сизга берган қорхона яна ўзи ундан қандай фойдаланишга, яроқчилиги даражасига қараб мисол учун 30 минг сўм бериб, қайтариб олади. Ўзимизда ҳам шулар йўлга қўйилганини орзу қиламан.

Хуллас, С. Хўжақулов билан кўп масалалар хусусида баҳслашдик. У киши ҳақида ҳамду-санолар ўнчиға эҳтиёж йўқ деб ўйлайман. Қолверса хўжалик ҳақида айтилган илиқ гаплар унинг етакчисини шайнига айтилган мактов. Танқиднинг эгаси ҳам ўша. Бунинг Серб ақвам, сиз-у, биз ҳам биламиз.

Курбан АЛИ.

СУРАТДА: Серб Хўжақулов. Муҳаммад АМИН сурапта олган.

СУРАТЛАРДА: Тошкентда ўтказилган Наврўз тантаналаридан лавҳалар. ЎЗАТГ сураглари.

Бўстонликда Ёшлик сайли

Қирликлар билан ўралган кенг яйловда тумонат одам. Пастга тушаверган сари байрам руҳидан юрагинг орзиқиб кетади. Бола-чақалар қийчу кўтаришиб, у томошадан бунисига югуришди. Томошанинг эса камчилиги йўқ — дорбол дейсизми, қўшиу-рақс дейсизми, қизқичи дейсизми...

Бир ерда сумалак улашиллати. Мен ҳам бордим. Қўлига ликопчани олиб, қозон бошидаги амаки тўлдириб сумалак сузди. Катта кишининг менга шундай шўшиб хизмат қилганидан бироз нуқул айқолга тушган бўлсам-да, кўнлим яришиб кетди.

Бугун дераин тўлдириб сенторнинг жонбадор ва сакрди садоси янграб бошлади. Енимда турган болалар, йигит-қизлар мусиқа келётган томонга ошқинишди. Мен ҳам эргашаман. Шундай оқиқ ҳавода сакнаге ўшатиб кўтарилган жойда нафис сорий ёпинг-чид хинд қизлари куйлашарди. Улар Тошкентнинг турли ўқу юртларида тахсил олаётган Леос, аътанамлик тенгдошлари қатори бугун бизни Наврўз айёми билан табриқлашга келишган. Уйин-рақс авжига чиқади. Ўзбек йигит-қизлари ҳам қўшилиб хиндча ўйнашад.

Ҳар қадамда бир янглик. Осмон фалакда парвоз этиб юрган парашютчилар айникис, катта қаҳрамонларга айлиниб кетишди. Ким биледи, аҳн-аҳнда бурунчисини тортиб қўйиб, кўзини кўндан узолмаётган мана бу болакайнинг қалбига парвоз этиш истаги биринчи бор муҳрланаётгандай шу деққанда. Кўйлагини, камзулининг этагини шамол тортиқилайди. Мен ҳам бахтиёр кўкка тикиламан. Мовий туб-сизлик. Шу дам, шу заминда туриб, осмонига сириниб ёмғир сўраган, ерига сириниб мўл ҳосил сўраган, қалби ялдовларийдай кенг, ҳис-туйуғлари шамолдай жилвосиз, кўна туркий қавмининг руҳини англагандай бўламан...

Наврўз сайлида Ўзбекистон ДКЕИ МК қатби К. Жуманнатов қатнашди.

Фурқат НЕЪМАТ. «Ёш Ленинчи» мухбири.

ҲАМАЛ ҚУВОНЧИ

Наврўз тантаналари маҳалла-қўйла, қорхоналарда, ўқув муассасаларида давом этаёттир. Тошкент Давлат қишлоқ хўжалиги олий билимгоҳида ҳам ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Олий билимгоҳнинг профессор-ўқитувчилари насаба уюшмаси ва комсомол қўмитаси фаоллигида энеғоҳ атрофига байрамона тус берилди. дастурхон безалди. Унда нималар йўқ дейсиз — баҳорнинг илк

неъматини исмалоғу-бедалардан тайёрланган кўк сомсалар, талаба қизлар ўз қўллари билан пиширган кўк чучваралар, бўғирсоғу-ширмай ноилар, бари муҳайё бўлди. Ҳовлининг қоқ ўртасига қурилган катта дош қозондан буғи кўтарилаётган сумалак сузилди. Йигилганларни билимгоҳнинг талабаларидан тузилган ҳаваскор хонандалар ансамбли куй-қўшиқлари билан шод этди.

Ижодкор ёшлар баҳор, Наврўз муҳаббатни тараннум этувчи шеърларидан ўқиб бердилар. Хуллас калом, бу неча ҳам самимий, қизқичарли ва баҳорий кайфиятда ўтди.

СУРАТЛАРДА: пойтахт қишлоқ хўжалиги олий билимгоҳида бўлиб ўтган тантаналардан лавҳалар акс этган.

Сурагчи Е. БОТИРОВ.



Шу сонга ҳадаф
Маҳаллада бир ОҚШОМ

Пойтахтнинг Юнусобод даҳасида Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номили маҳалла бор. Бу ерда меҳмон бўлган киши маҳалла аҳлининг иноқлигидан, ҳамфикрлигидан шодланади, шу ерда яшаётганларга «рахмат» дейди. Наврўз кунини шу маҳалланин ақойиб ман-андлоғи — янги боғ қўйидаги чойхона шийонида байрам кечаси бўлиб ўтди.

Кечани маҳалла қўмитаси раи-

си, таниқли журналист Эгамназар ака Қодиров очиб, йигилганларни қутлуғ айём билан муборакбод этди ва ноҳия раҳбарияти номидан бир гуруҳ фахрийларга, кам дарамадлик оилаларга полдослар ва бошқа совғаларни тортиқ этди.

Оқшом куй-қўшиққа уланди. Мукаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» халқ ансамбли санъаткорлари маҳалла аҳлини хушнуд этишди. Ансамблнинг бадий раҳбари Мазмуна Эргашева ва Гулнара Нишомова, Холди Шариповаларнинг жонбали рақслари, ансамблининг мусиқа раҳбари Муҳаммадҷон Шокиров ва жумҳурият II макомчилар кўрғинининг совриндори Эришжон Рўзиматовларнинг қўшиқлари йигилганлар қалбига бир олам шодлик бахш этди.

Сумалак тортилди. Ош улашилди. Суҳбат қизгандан-қизиди. Ўйин-қўлги ярим тунгача давом этди. Маҳаллада шундай бир оқшом бўлдики, у ҳеч қачон ҳеч бир одамнинг эсидан чиқмайди.

Сумалак улашилди

Пойтахтдаги 547-болалар боғчаси Куйбичиш ноҳиясига жойлашган. Унга Ҳанифа Даминова мудирлик қилди. Унинг ташаббускорлиги, ташкилотчилик фаиллари оғизга тушган. Тиниб-тинчимас аёл бу хислатларини яна бир қарра исботлади. Боғчада Наврўзнинг муносиб нишонлаш учун пухта таравуд кўрилди. Ундирилган им-яшил бугдойини аввал болаларга кўрсатди. Уин дош-қозонга солишдан олдун сумалак ҳақида сўзлаб ҳам берди. Наврўз муносабати билан ёзилган дастурхонга сумалак ва бошқа ноз-неъматлар қўйилди. Унга тақриф қилинган ота-оналар, меҳмонлар тарбиячилар Саодат Орипова, Сапура Муҳаммадова, Зухра Абдуллова, Нодира Каримова, Комила Салимова, Шоҳида Қосимбекова, Сурайё Йўлдошева, Нарғиза Раҳматуллина, Сайра Анромоева ва бошқалар томондан тайёрланган «Келинлар қўзғолони» спектаклидан саниа, келин салом русуми ҳақида дирабо куй-қўшиқларни мароқ билан томоша қилдилар.



Қутлаймиз!

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов Фармониға биноан кўп йиллик самарали ижоди, ўзбек совет шеърини ва драматургиясини ривожлантиришдаги хизматлари, жамоат ҳаётидаги фаол иштироки учун шояр ва драматург Пулат Мўминов (Пулат Мўзин) «Ўзбекистон ССР халқ бауучисин» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Кўп йиллик самарали ижоди, ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари, жамоат ҳаётидаги фаол иштироки учун «Шарқ юлдузи» ойнамасининг бош муҳаррири, ёшларнинг сенимли адлиби ўткир Хошимовга ҳам «Ўзбекистон ССР халқ бауучисин» фахрий унвонини берилди.

Биз жумҳуриятимизнинг икки таниқли ва ардоқли адибини юксан мукофотлар билан чиниқ дилдан муборакбод этамиш ҳақида ёшлар ва болалар учун бундан кейин ҳам янада қизқичарли, ўқимшили асарлар битадилар, деб нишонч билид-рамиз.



«Комсомол инкирози урғани» ҳақдан эйд кўп айтади. Бунинг сабабларини кўрсатишда, таназзулдан чиқиш йўллари излашда комсомол ҳодимлари ҳам, муаммага қизиққан бошқалар ҳам чуқур фикр юртимай, ҳулоса қилмоқдалар. Менимча, комсомолда бешта асосий муамма мавзуда:

1. БЮРОКРАТИЗМ. Бу тўғрида кўп гап бўлди: қоғозбозлик, маъмурий-бўйруқбозлик, сўз ва амалий иш борасидаги фарқ ва ҳоказо.

Шу қаторга яна бир нарсани қўшимчи қилмоқ керак. Бу — ташкилот тузилиши ва ташкилий принципларнинг мураккаблашиб кетганидир. Ёшлар билан иш олиб борувчи иттифоқ тузилиши аслида сода, яъни энг яхши аъзолар учун тушунарли, қулай, қийинчилик туғдирмайдиган бўлмоғи керак.

2. ЕТАКЧИЛАР. Комсомолнинг барча даражадаги раҳбарлари орасида асосий ишдан озода қилганлар ҳам жуда кўп. Бундайлар қонда бўйча 700 дан ортиқ БЛКЕИ аъзоси бор бошланғич ташкилотларда ишлайдилар. Ҳўш, раҳбар деганда биз кимни тушунамиз? Бу муайян тузилма, уюшмада биринчи даражада ва бошқаларга ўз фикрини ўтказувчи шахсдир. Лекин айтиш керакки, ҳозир ёшларнинг турли қатламлари онгидаги тафовут ошган, уларга хилма-хил маҳаллий ва ҳорижий акроботлар таъсир кўрсатиб турган бир шариҳта 300 нафар одами бошқариш 1000 кишини бошқариб туришдан осонроқ бўлмас керак. Ва ақсина, 1000 киши билан ишловчи раҳбар аслида тахминан уларнинг 300 нафарига ҳақиқий таъсир этиши мумкин. Бунинг устига иш юртишнинг амалдаги эскириб қолган усуллари назарда тутилса, раҳбар кўпинча асл маънода раҳбар бўлмай қолади. «Бошқа» ишлардан озода қилганлар бу ерда маълум вақт ишлаб (2-5 йил) мутахассислигини қисман йўқотадилар ва шунинг учун ўз касбига қайтишдан қўрқадилар. Демак, улар фаолиятни комсомолда давом эт-

ришни ёки кейинчилик шунга ўхшаш ишларда қўлини кўзда тутадилар. Фирқачи, бошланғичларда ҳамда ноҳия даражадаги комсомол ташкилотларида бошқа ишлардан озода қилганлар етакчилар керакми?

3. БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР. ЛКЕИ Уставада бошланғич ташкилотлар комсомолнинг асоси (яъни таяни) деб айтилган. Шундаймикин? Ундаги оддий аъзоларнинг аксарияти комсомол ишларига бефарқ, лоҳай, жамоат ишларидан кўнгли соғинган бўлса, бошланғич ташкилотлар таянч бўла оладими? Ёки «таълим» ташкилотларда фаол бир шахс ўз гола ва таъкифлари билан чиқса-ю, уни ҳақ қил (асосан етакчилар) тинч, ламаса ва эътибор қилмас, эъзозламаса қандай қилиб бундай ташкилот таянч бўла олади? Энг ачинарлиси шундаки, ана шу бошланғичлар комсомол ташкилотини ва унинг бошқа тузилмаларини «етакчи» раҳбарлар билан таъминлаб турибди. Тўғри, охириги сўзда бошланғич ташкилотлар нафақат ўқиб ва иш жойларида, балки бошқа жойларда ҳам умумий қизиқишлар бўйича тузиллиши мумкинлиги таъкидланди («Устава» ҳам айтилган). Бундай янги ташкилотлар эндиликда мустақил равишда комсомолдан ташқарида вужудга келмоқда — биз уларни «норасмий» деб атайми.

4. ФИРҚА РАҲБАРЛИГИ. Фирқанинг яққоқлиги, ёш раҳбарларга ҳақдан ташқари «қотилиш» қилиш оқибатида уларнинг мустақиллиги йўқолди. Яқин-яқингача ноҳия ва юқори даражадаги комсомол ҳодимлари фирқа аъзоси бўлишлари шарт эди. Айнан шу сабаб кадрлар танлашда номенклатура деган принцип пайдо бўлди. Шунинг учун фирқа ва комсомол орасидаги муносабат ҳануз янгиша шаклга эга бўлолмаган.

5. ЛКЕИНИНГ ҒОЙИИ ВА СИЁСИЙ МАЪМУНИ. Ташкилотнинг ғоийи ва сиёсий маъмуни тушуниш учун «Ушбу ташкилот ғоийи асослари қандай ва у қилар билан иш қўради» — деган саволга жавоб бериш керак. Айнан шу ерда эйд-

диёт жуда кўп.

14 йшдан 28 ёшгача бўлган аъзолик мақсадаги мувофиқ эмас. Биринчидан, шу катта мuddат ичида ёшларнинг дунёқараши, сиёсий оғи аста-секин шаклланиб, йил сайин ўзгариб боради. Наҳотки, 14-16 ёшли бола марксизм-ленинизм ғоийаларини тўлиқ тушуниб, пухта ўрганиб, бошқа назарлардан фарқлай оласа ва ҳимоя қилса! Қолаверса ҳозир биз ошқоралик шомоли билан турли ерлардан, жумладан, хориждан ҳам ахборот олиб турибми. Бу ёшларнинг сиёсий оғини сўзсиз ўз-

етиб, раҳбариятга сайланиб қолмас, ташкилотдан чиқиб кетади. Демак, комсомол асоси танқиддан (ташқилотнинг ичидан туриб қилинган) четда қолади. Шундай қилиб, сиёсий ташкилотда 14 йшдан 28 ёшгача бўлганлари ағона го (назария) асосида бириктириб бўлмайди, деб ҳисоблайман. Бундай ташкилот аъзоларининг ёшлари 21-35лар атрофида бўлмоғи керак.

Яна бир муҳим гап. Ленинча коммунистик ташкилот аслида ленинизм ғоийалари ва коммунистик назариядан жуда узоклашиб кетган. Ушбу назар-

и учун «Е» ҳам эмаслиги равшан, чунки бу ташкилот четда ёшдаги раҳбарларни хизмат поғонаси бўйича қўрилариши учун восита бўлиб қоляпти. Иттифоқ ҳам эмас, чунки бошланғич ташкилотларни ушлаб туриш, уларни боғлаб турарчи ғоийи ва ташкилий куч йил сайин йўқолиб бормоқда.

Муштарийлар мени тўғри тушунишлар. Мен коммунистик гола тарафдориман. Комсомол муаммоларини таҳлил қилиб, танқид остига олганим фақат унга бефарқ қараб туролганимдандир. Етакчилар янги ташкилотлар пайдо бўлаётганини тан олиб, уларни тушунишга интиласлар, бошқа фаол ёшлар ҳам сиёсатга қўшилмоқчи эканликларини англашлар, ЛКЕИга ҳам, бошқаларга ҳам ва умуман ёшлар сиёсатини шаклланишига ҳам фойдали бўларди.

Бу қисмини В. И. Ленин сўзлари билан ақиллаштиришим: албатта, ёшлар ташкилотда ҳали назарий аниқлик ва қатъийлик йўқ, — деганди у, — ва балки ҳеч қачон бўлмайдими ҳам, чунки бу — қайнаб, лувуллаб турган изланишдаги ёшларнинг ташкилотидир.

Мен коммунистик гола тарафдориман, дедим. Шунинг учун ҳам комсомолни ташкилий тузилиши ва сиёсий фаолиятини танқид қилдим. Коммунистик уюшма ўз номини оқлай олмапти. Бунинг сабабларини юқорида кўрсатдим. Қўшимча қилиб айтиш керакки, комсомол сиёсий-илмий изланишларга деярли аҳамият бермай келган. Масалан, ёш олим ва мутахассислар уюшмаси вакиллари билан биронтаси ҳам комсомолнинг охириги сўзидеги тақлиф этилмади. Фанга бўлган сўт муносабат сўзиде ҳам кўринди. Ҳисобот маърузасида айтилган бир фикр эътиборни тортди: комсомолнинг ҳисобот дарида йўл қўйган жиҳдий хатолардан бири ёшларнинг норасмий ҳаракати бўлган қаршилликдир.

Ушбу хато ҳали ҳам тузатилмаган йўқ. Албатта, бундай ҳаракат ва ташкилотлар борлиги сўзда тан

олинди. Амалда эса ақсина. Чунки норасмий ташкилотлардан биронтаси ҳам рўйхатга олинмаган. Бу ишда комсомол ташаббус кўрсатса бўларди, агарда фикрлар хилма-хиллигини ичидан ҳам мақсад қилиб қўйган бўлса.

Норасмий ташкилотларга, уларнинг фаолиятига, иш юртиш услубларига нисбатан расмий ташкилотларнинг эътирозлари бўлиши мумкин, албатта. Деялик, комсомол норасмийларга баъзи бир масала ва нуқтаи назарларда қўшилмаслиги мумкин. Бироқ уларнинг комсомол эмас, яъни бошқа ташкилотлиги шунда кўрилмайдими? Ёки фикрлар тўғри келмаслиги уларни тан олмаслик учун асос бўладими? Умуман, юқорида айтганимдек, ҳозирги вазиятда яна сиёсий ташкилотда ёшларни бириктириб бўлмайди, чунки барбир ёшларга таъсир этувчи омилилар кун сайин қўйлаиб бормоқда ва турли-туман ташкилотларнинг юзага келиши табиий бир ҳолатдир.

Ташкилотнинг аъзолари ўз вақтларини, кучларини аъмак мақсад сари ҳаракат қилишлари, албатта, ҳурматга сазовордир. Аммо уюшманинг жиҳдий камчиликлари ҳам оз эмас.

Бошқа жиҳтимоий-сиёсий ташкилотлар деярли кўзга ташланмайди. Улар айни пайтда кучга кирмоқдалар ва ташкилий бириктириш мuddатини ўтамоқдалар.

Нима бўлганда ҳам, янги тузилган ёшлар ташкилотлари бу бор нарса. Уларни тушунишга ҳаракат қилиш керак. Улар ҳам комсомол қатори ёшлар сиёсатини шакллантирувчи бир восита бўлишлари шубҳасиз. Шунинг учун комсомол ўз имкониятларидан фойдаланиб, бошқа ташкилотлар учун тенг шaroитлар яратиш йўлида иш олиб борса, тўғри бўларди.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
ёш олим ва мутахассислар уюшмаси қoшмадиги сиёсатшунослик маркази директори.

Комсомол ва бошқалар

ЁКИ ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАҚИДА УЙЛАР

гача шакллантиради.

Иккинчидан, комсомол сиёсий ташкилот сифатида ҳоқимиятда вақолат учун кураш олиб боради. Қонун бўйича эса ҳоқимиятга фақат 21 ёшга тўлган фуқаролар сайланиши мумкин. Демак, комсомолнинг 14 йшдан 21 ёшгача бўлган аъзолари бу курашдан ва ҳуқуқдан четда қолади. Мана сизга яна битта эйдиган.

Учинчидан, Устава аъзолик 28 ёш билан чекланганига қарамай, комсомолда 30-40 яшарли раҳбарлар кўп бўлган, ҳозир ҳам бор. Демак, ёш масаласи ҳам қўруқ гап бўлиб қолмапти.

Тўртинчидан, ёш кичикроқ бўлганлар катталарнинг фаолияти ҳақида тўғри тушунишга эга бўлолмайдилар. Сафдаги аъзолар эса 28 ёшга

риятнинг энг муҳим ютуқ ва услуби — диалектикадир. Амалда бу реформаторлик дегани. Комсомол эса вақтдан орқада қолмоқда. Узи ўзгаришлар киритиш у ёқда турсин, борларини жуда кечикиб қабул қилмоқда. Марксизм-ленинизм назарияси тўғрисида билимлари мактаб даражасида, яъни ақида сифатида бўлган ёшларнинг унга муносабатлари ҳам ўзига яраша. Шунинг учун марксизм-ленинизм байроғи остида иш олиб бораётган, уни фақат ўзиники қилиб келатган ташкилотнинг кўриб, ёшлар ундан ҳам назариядан узоқлашиб кетиптилар. «ЛКЕИ»даги ҳар бир ҳарф ўз мазмунини йўқотиб бормоқда, яъни бу на «Л», на «Е», на «Е» ва на «И»дир. Нима учун ленинча ва коммунистик эмаслигини қисқача айтиб ўтдим. Нима

Акс-садо

Ўлкамизда Наврўз айёми



НАВРЎЗИНГИЗ МУБОРАК...

Узингизга маълумки, 1991 йилдан эътиборан Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси қарорига биноан, «Еш тавариди» нашриёти ўрнида «Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмаси ташкил этилди. «Камалак» ёшларга ўзбек ва рус тилларида илмий, маърифий, бадиий ва бошқалар адабиётлари нашр этиш билан бирга, «Ешлик», «Еш куч», «Сирли олам» каби ойнамаларни ҳам ўзиде бириктирди.

Яқинда нашриёт матбаа бирлашмасида «Наврўзингиз муборак, сизни қутлар «Камалак» мавзусида байрам тантанаси бўлиб ўтди. Тантанани «Камалак»

бирлашмаси бoш муҳаррири Н. Наврўллаев очди. Иштирокчиларни шoирлар Усмон Азим, Хуршид Давронлар Наврўзи олам билан қутлаб, шеърлар ўқидилар. Учрашунинг бадиий қисмида таълиқ санъаткорлар иштирок этиб, ўзларининг куй ва қўшиқлари, интермедиялари билан «Камалак»чиларни голяда хушнуд қилишди.

«Камалак» нашриёт матбаа бирлашмаси ижодий жамоаси Наврўз тантаналарида қатнашиб, қўнғилли маданий хизмат кўрсатган Мўминий номли жумҳурият мусиқали драма театрининг етакчи санъаткорлари — Ўзбекистон Ленин комсомоли соҳиб Муҳаббат Каримова, тапантли хонандалар Рустам Маъдинов, Турғун Бенназаровларга, шунингдек, ёш истеъдодли ижроичилар Сунайтилла Қўчқоров, Тоҳир Латипов, Нуриддин Амминовлар, Абдуқалил Исоев ва бошқа санъаткорларга чуқур миннатдорчилик изҳор этиб, уларга ижодий камоли тўлайдилар.

Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси «Камалак» нашриёт матбаа бирлашмаси жамоаси.

СУРАТЛАРДА: Байрам айёмидан Х. ШЕРБЕК суратлари.

нинг етакчи санъаткорлари — Ўзбекистон Ленин комсомоли соҳиб Муҳаббат Каримова, тапантли хонандалар Рустам Маъдинов, Турғун Бенназаровларга, шунингдек, ёш истеъдодли ижроичилар Сунайтилла Қўчқоров, Тоҳир Латипов, Нуриддин Амминовлар, Абдуқалил Исоев ва бошқа санъаткорларга чуқур миннатдорчилик изҳор этиб, уларга ижодий камоли тўлайдилар.

Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси «Камалак» нашриёт матбаа бирлашмаси жамоаси.

СУРАТЛАРДА: Байрам айёмидан Х. ШЕРБЕК суратлари.

Биз, бир гуруҳ Э. Юсуповнинг «Ким бировга чоқ қазиса...» сарлавҳали мақоласини эър қизиқиш билан ўқиб чиқдик ва унга нисбатан қилинган тўхмат ҳамда ивгогарликларнинг барчасини англаб етдик. Шу нарсе аниқ ва равшан бўлдики, бу тўхмат тошлари аниқ сиёсий мақсадларни кўзда қилинган. Уларнинг ҳаммаси фақат бир кишига қарши қаратилмасдан, балки бутун ўзбек халқини бадном қилишга, унинг чинакам фарзандларини йўқотишга йўналтирилгандир. Очигини айтганда, бу билан марказдаги айрим реакция гуруҳлар ўзларининг буюк давлатчилик шовинизми сиёсатини амалга оширишига жазм қилганини кўрсатади. Ана шу мақсадларга эришиш учун улар энг арамас усуллари қўлашдан ҳам қайтмайдилар. Кишилари бир-бирларига гиж-гижлаб қўйиш, ўзаро келишмовчиликлардан усталик билан фойдаланиш, турли гов ва бўҳтонлар уюштириш ва шу кабилар уларнинг амалда синилган қуроллари эканлигини яна бир бор билиб олдик.

Айниқса, бундай кишилар миллатфурш одамлардан ўзларининг фарзали мақсадлари йўлида моҳирона фойдаланганлар. Бундан миллат манфаатларига эид хатти-ҳаракатлар қилаётган кишилар ўзбек халқига душманлар қўлида қўйроққ бўлиб, уларнинг ногорасига ўйнаганлар. Улар мансаб учун, енгил оёру топиш учун миллатини ҳам сотишга тайёр кишилардир.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

СССР халқ депутати, СССР Олий Кеңашининг аъзоси, таълиқ олим Эркин Юсуповнинг рўномаамизда шу йил 16 февраль сониде босилган «Ким бировга чоқ қазиса...» сарлавҳали мақоласи муштарийларда голя катта қизиқиш уйғотган. Бунинг тахриратимизга олим фозиллар, оддий муштарийларимиз йўлланган мактубларда ақоқ кўрши мумкин.

Қўйида ана шу мактубларнинг баъзи бирларидаги фикрлари билан танишасиз.

ИЧКОРАЛИК ТЎХМАТГА ЧОРЛАЙДИ

Биз, бир гуруҳ Э. Юсуповнинг «Ким бировга чоқ қазиса...» сарлавҳали мақоласини эър қизиқиш билан ўқиб чиқдик ва унга нисбатан қилинган тўхмат ҳамда ивгогарликларнинг барчасини англаб етдик. Шу нарсе аниқ ва равшан бўлдики, бу тўхмат тошлари аниқ сиёсий мақсадларни кўзда қилинган. Уларнинг ҳаммаси фақат бир кишига қарши қаратилмасдан, балки бутун ўзбек халқини бадном қилишга, унинг чинакам фарзандларини йўқотишга йўналтирилгандир. Очигини айтганда, бу билан марказдаги айрим реакция гуруҳлар ўзларининг буюк давлатчилик шовинизми сиёсатини амалга оширишига жазм қилганини кўрсатади. Ана шу мақсадларга эришиш учун улар энг арамас усуллари қўлашдан ҳам қайтмайдилар. Кишилари бир-бирларига гиж-гижлаб қўйиш, ўзаро келишмовчиликлардан усталик билан фойдаланиш, турли гов ва бўҳтонлар уюштириш ва шу кабилар уларнинг амалда синилган қуроллари эканлигини яна бир бор билиб олдик.

Айниқса, бундай кишилар миллатфурш одамлардан ўзларининг фарзали мақсадлари йўлида моҳирона фойдаланганлар. Бундан миллат манфаатларига эид хатти-ҳаракатлар қилаётган кишилар ўзбек халқига душманлар қўлида қўйроққ бўлиб, уларнинг ногорасига ўйнаганлар. Улар мансаб учун, енгил оёру топиш учун миллатини ҳам сотишга тайёр кишилардир.

де чуқур билим эгаси эканлигини эшитганман. Ҳатто одамлар унинг аjoyиб фазилат эгаси эканлигини латифа қилиб айтиб юришди.

Мен мақолада келтирилган марказдан «таширф» бюроглар ҳақида гапирмоқчи эмасман, чунки улар ҳақида кўп гаплар матбуотда, йиғинларда айтилди. Мени ўзимиздан чиққан миллатфурш ивгогарлар кўпроқ ўйлантириб қўйди. Мақолада шундай жулла билан тугайди: «Агар уларнинг (маҳаллий ивгогарлар устиде тап кетаяпти) баъшарасини билмасак халқимиз, эиляларимиз бошига мусибат кеткдан мусибат тушаберадир.»

Жуда ҳақоний айтилган хулоса. Аммо, маъзур тутасиз, Эркин ака, ўша одамнинг исми-шарифини айтмасиз. Нега? Сиз ҳамма тан олган йирик олим, жамоат арбоби-сиз. Бундай ярамасларнинг номини Сиз айтмасангиз, билангки, бошқалар айтмайди, Тўғрироғи, айтишга ҳайкилади. Қатогон йиллари ҳаммамизни қўроққ қилиб тарбиялади, биримизнинг устимиздан иккинчимизни «назоратчи» қилиб қўйди. Бундай «назоратчилар» қатогон йиллариде кўп хизматлар кўрсатган, миллатимизнинг гулларини қурбон қилиб юборган. Улар Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминов каби жаҳонга номи кетган олимларимизни ҳам тинч ишлагига йўл қўймаган.

Умуман тарихда ҳам баҳамжиҳат бўлмаган халқини четдан келганлар осонлик билан эгаллаганлар, бунда миллатфуршлар катта роль ўйнаганлар. Шунинг учун ҳам бундай ярамасларни халқ ўртасиде шармада қилмоқ керакки, бу шу хилдаги нусхалар учун сабоқ бўлсин.

Яқинда мен бир олим билан гапладим, у миллатимизнинг жонкури, аjoyиб, соф интили инсонлигини билардим. Тўғри, мен унга жумҳуриятимиз раҳбарларидан бирини мақтадим, қилган ишларидан мисоллар келтириб, уни фикримга ишонтирмоққа ҳаракат қилдим. У жингине ўтириб гапимнинг охиригача эшитди, кейин бир сўзук сакладим, дедим, менга шунга қўшимча яна бир фикр тугилди, деди.

Тасаввур қилинг, агар ўша сиз айтган одам бошига бирор ноҳақ тўхмат ёки ташвиш тушди, дейлик. Унда биз бетараф бўламиз ёки ўзи шунча одам эди, деб тураремизми? Бу бизнинг миллатимиз кустури, деди.

Биласизми, аввало бу гап бошимга тўқмоқ билан туширгандай бўлди. Кейин ўйлаб қарасам, тўғри... Ахир яқин ўтмишда қанчадан-қанча миллатимиз вакиллари кеткдан эмас, илгарилари ҳам шундай бўлган эди. Ахир уларнинг ёқлаб қичувчилар бўлмай қолди-ку! Қанонча ҳақиқатни айтмай ўтиб кетаваримиз ёки хўжақўрсинга бир-биримизни ёғдирамиз. Келинлар, ютуғимиз ҳам, камчилигимизни ҳам рўй-рост юзига айтишни ўрганилмай.

Кейин яна бир тақдирини шуки, орамизда бирга нафас олаётган аjoyиб мутафаккирларимиз, жонкур, зукко ва замонадошларимиз бор. Уларнинг эидиёт қилайлик, уларнинг энг яхши фазилатларини ўзинизга ҳам оқтарилайлик.

Содиқ МўМИНОВ,
тарих фанлари номзоди.

УМИДИМИЗ ФАҚАТ СИЗДАН

ҚИММАТЛИ ДУСТЛАР, ўзингиздан қолар гап йўқ. Иттифоқимизда бошланган бозор иттифоқи муносабатлари беҳисоб қийинчиликларини ахтумол тутиланган ҳам эхтумол келтириб чиқармоқда. Бу қийинчиликлар ҳаммаимиз учун ҳам катта синов, катта интиқондир. Севишли ойнамағиз «Еш куч»нинг 1991 йили ойна нарҳини белгилашда, тарчи, ҳар бир сонига сарфланадиган қоғоз ва меҳнатнинг умумий қиймати 80 тиний бўлса-да, тахрир хайъати жумҳуриятимиз меҳнатқиларининг бир қисми қаншоқ ҳолатда яшаётганлиги, энг муҳими муштарийларимиз асосан мактаб ўқувчилари, билангоҳлар талабалари эканлигини ҳисобга олиб, ойнама бир сон 55 тиний, яъни йиллик баҳоси 9 сўм 60 тиний эмас, 8 сўм 60 тиний белгилаб ҳар бир муштарийга 3 сўмга енгиллик берганди.

Шундай қилиб «Еш куч» муштарийларимизга эмас, балки мамлакатимиздаги энг арзон ойнама бўлган эди. Муштарийларимиз ойна-

ман ташкил этишда, унинг йўналишини, маъмунини, ўзига хос қиёбасини белгилашда ҳодимларимиз билан таша-тенг иштирок этишлар, ёш бўлишига, дарамасдан Иттифоқда энг катта ойнамолар билан беллаша оладиган даражага кўтарилди. Унинг умумий нухаси 650.000 ошиб кетди. Унинг оммалашиб, умумхалқ ойнамасига айланиб бораётганлиги кунига 550 га яқин хат ва мактуб олаётганимиздан ҳам кўрилиб турибди. 1990 йил муштарийларимиздан 50.000 дан ортиқ хат ва хабар олдик. Улар билан бевосита алоқада бўлдик.

Демак, кун сайин ўсиб бораётган муштарийлар сонининг кўлини жиҳатидан жумҳуриятда биринчи ўринга чиқиб олган ойнама асосан сиз ташкил этдингиз, у бошдан оёқ сиёсийидир, унинг бутуни ва келажак ҳақида қайғуриш ҳам кўп жиҳатдан сизга боғлиқ бўлиб қолди.

Уйдаги гап кўчага тўғри келмайди, деганларидек ҳай-

рият йилдаги олижаноб мақсадимиз, яъни энг арзон ойнама чоп этиб муштарийларимизни мамун отамиз деган яхши ниятимиз катта туслиларга дуч келиб қолди: қоғоз нарҳининг беш баробар ошishi, босмахоша ва маъмурий бошқарув харажатларининг 2-3 баробар кўпайishi, матбуот бирлашмаси ва Алоқа вазирлигининг ойнама нарҳидан 26 фоизга яна бизга берасан, деб оёқ тираб олиши — мажбурий харажатларни куз қурмаган, қулоқ ашмаган даражада қўпайтириб юбордики, севишли ойнамағиз — «Еш куч» 1991 йилда салкам 400000 сўм атрофида зарар кўрайдиган бўлди.

Узингиз жон куйдириб ташкил этган, ўзингизни дарди-ҳасратларингизни, фойдали фирмулоҳазаларингиз ва ҳал бўлмаган муаммоларингизни дадиллик билан ёритаётган, сиз учун, сизнинг маънавий маданият ва руҳий баркамоллигиниз учун тинмай курашаётган ойнамағиз тақдирига бағрай бўла олмаслигингизга

астойдил ишонамиз.

Бугун биз, яна бир бор комсомол қўмиталари фаолиятларига, халқ татлими жонкуярларига, келажак авлодининг маънавий тарбияси учун қайғураётган мурабийларга, фарзандларининг руҳий ва ахлоқий камолоти учун масъул бўлган ота-оналарга, энг муҳими, муштарийларимизнинг шахсан ўзларига мурожаат қилдимиз. Сиз миллионлаб ёшларнинг маънавий маданияти бутунлиги учун, ёш истеъдодларининг мукаммал тарбияси учун, ижтимоий адолат, ҳақхўқуқ учун, тенглик ва кеңг маънодаги демократия учун, ислом маданиятининг ўзгал дурдоналари учун, унутилган тарих ва тарихий маданият учун, халқлар дўстлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги учун — нимани шахсини камолотга етказишда ва ўзини англашда хизмат қилса — ҳаммаси учун астойдил курашаётган «Еш куч»нинг молиявий таъинидан қўтаришга баҳоли қўларат ёрдам берингиз!

Ойнамағиз обунасига чин

қўйишдан жон куйдириган поғтачларимиз, одий билангоҳ, мактаб, билангоҳ ва билан юртлари маъмурият жойлардаги комсомол қўмиталари муштарий ва бунча қўнғилдилардан тушадиган катта-кичик ҳақларини жамлашга бош-қош бўлсалар, савоб устига савоб бўларди. Лоқал муштарийларимизнинг ўзлари биз яхши ният билан ўти берган 3 сўм эвазига 1 сўмдан ҳади этиб жамгармани йига бошлаган почтачи ёки бошқа мутасаддиларга келтириб берганларда молиявий таълиқ тезроқ бартафар бўларди.

Ана эдустлар, тапкор айтаман, ойнама сизники, уни молиявий таълиқ йилда қўтариб қилиш ҳам сизнинг қиймат ва гайратингизга боғлиқдир.

Тошкент, Ҳисоб раҳамати 001700016.

Ақмал Икромов, «Жил-сонбағ» код — 734105, «Камалак» бирлашмаси, «Еш куч» ойнамаси жамгармасига.

Шу нарсе бизнинг нафратимизни кўзгадики, тўхматчилар устозимизга ўз шоғирларига таъмағирлик қиледаи ва уларнинг кўплари жамоа ҳўжалиги раислари ва шунга ўхшаш мансабдорларнинг ўйил-қизиларидир, деган «айбон» қўяди. Бу қип-қизил тўхмат.

Агар шоғирларини номмамон қараб чиқадиган бўлсан, уларнинг мутлақо кўчлиги оддий дехқон ва ишчиларнинг фарзандлари бўлиб, аксарияти ота-онасиз етим-есирлардир.

Масалани бошқа томонини ҳам бор. Бундай «айб» қўйиш сиёсий калтабинликдан бошқа нарса эмас. Агар шундай «мантқиқ» сунаидиган бўлсан, ота-онаси жамоа ҳўжалиги раислари бўлган Йигит-қизлар қанчайин илмий қобилиятга эга бўлсалар ҳам олим бўлишга интилимаслиги керак, деган хулоса келиб чиқади. Қолаверса, бундай «мантқиқ» билан жамоа ҳўжалиги раислари ёлпасига қораланади ва камситилади.

Э. Юсупов шоғирларининг аксарияти моддий жиҳатдан қийинчилик билан олий билимгоҳларда таълим олишган ва илмда алоҳида қобилиятларини намойиш этган кишилардир. Уларнинг ҳаммасига Э. Юсупов маънавий ота бўлиб, уларнинг ҳаётдан ўз ўрнларини эгаллаб олишлари, фан ҳолида ўзларини кўрсатиш

ҲАСАД УТИ

Биз доланинг шоғирлариде аспирантлик давримизда ҳам, ҳозир ҳам Эркин Юсуповнинг фақат маънавий отамизгина эмас, айни бир пайтда моддий отамиз деб ҳам билганимиз ва биламиз. Бир воқеа мени ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. 1968 йилнинг киш ойлариде домла Москвага «Билим» жамятининг иши юзасидан боғлиқ қолдилар. Москвада таълим олаётган аспирантлар билан учрашва ўтказдилар. Уша пайтларда нейлон қўйлаб кийиш расмага айланган. Бизларда эсе моддий имконият йўқ эди.

Эркин Юсуповни ўша кунинг нейлон қўйлақда эдилар. Мен қўйлаққа узокроқ тикилиб қолган бўлсам керак, бу дин селган домла устидеги қўйлагини очиб, менга берганларини ва қўлимга 100 сўмдан эидроқ чоё пули ташлаб келганларини ҳеч қачон унутмасам керак.

Эркин ЮСУПОВ,
фалсафа фанлари номзоди,
доцент.

МИЛЛАТИМИЗ КҮСУРИ

Мен Э. Юсуповни яқиндан билмайман. Аммо у одам ҳақида жуда кўпгаб илиқ гаплар эшитганман, ёшларга гамўрўрлигини, қийналганларга ёрдам қўлини қўчишини, мардликни, ҳалопўлгини ва айни пайт-



Куни кеча Тошкентдаги СССР Халқлар дўстлиги саройида Хиндистоннинг «Бомбей арт группа» эстрада дастаси, «Индиян Маджини группа» хинд сеҳргарлик гуруҳи ҳамда «Ўзбекконцерт» қошидаги «Ханда» жумҳурият ижодий маркази ўз чинишларини якунлади. Бир неча кун давомида Ўзбекистон даврида меҳмон бўлиб турган хиндистонлик санъат соҳиблари жумҳуриятимизнинг бир қанча вилоятларида ўз концерт дастурларини намойиш этишди.

Ража Капур, Мукеш, Мухаммад Рафи, Кишор Кумар хотирасига ва халқимизнинг баҳор байрами — Наврўзга бағишланган мазакур концерт жумҳуриятимиз санъат мухлислари томонидан яқин кутиб олинди. Хинд санъати яна бир бор халқимиз қалбига ўзининг майин навоси ва жўшқин қўшиқлари билан кириб борди. Биз мазакур концерт дастурини тайёрлашда жонбозлик кўрсатган санъаткор — «Индиян Маджини группа» хинд сеҳргарлик гуруҳи раҳбари Ашок Бхандари билан суҳбатладим.

— Гастрол кунлариниз Ўзбек халқининг муқаддас байрами Наврўз билан боғлангани бизни ниҳоятда қувон-

Дилларни ром этиб

тирди. Сабаби бизнинг ҳам ана шундай миллий байрамимиз бор. Мен бир неча йиллар давомида Ўзбек халқининг ана шу байрами борлиги ҳақида эшитиб юрдим. Лекин ҳали ўз қўлим билан кўрмаган эдим. Дўстим Шерхон билан (Шерқўзи Ҳозиев) Ўзбекистоннинг жуда кўп шаҳарларида бўлдим. У ердаги байрам тайёргарликлари билан танишдим. Ўз навбатида биз ҳам ана шу байрамда санъатимиз билан иштирок этганимиздан гоҳида шодимиз. Шунинг ҳам айтиб ўтишим керакки, бу гуниги концертимиздан тушган маблағнинг маълум миқдорини Наврўз хайрия жағвармаси ҳисобига ўтказишга қарор қилдим.

Дилшод ЖАЛОЛОВ.

СУРАТЛАРДА: байрам концертидан лавҳалар.

А. ЖДАНОВ суратлари.



Бош муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ТАҲРИР ХАТБАТИ: Муқаддас АБДУСАМАТОВА, Зиявуддин ОРТИҚХҲАЕВ, Нарин РАҲИМОВ, Фаруҳ РАҲИМОВ (бош муҳаррир уриносари), Зайноддин РИХСНЕВ (масъул котиб), Қурбон ЭШМАТОВ.

Таъсис этилган: Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси (УЧРЕДИТЕЛЬ ЦК ЛКСМ УЗБЕКИСТАНА) Рўнома 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган.

«Рамазон айтганининг савоби бор»

Халқ ижоди бамисоли жўшқин дарё. Унинг ойдан орзулари дилрабо қўшиқларга айланган, дарё тўқинларидек мажнун-мажнун асрлар оша аждодларимиз каломини бизнинг кунларга етказиб келган. Элимизнинг етти пушти шор ўтган дейди машойхлар. Дарҳақиқат, илк кўлаб кунлари умид билан табаррук заминга барака уруғи қадаган деҳқон бобонинг дуои фотиҳасидан тортиб, хирмон соғураётган чолларнинг шукронасигача бари мўъжизакор мисраларга жо бўлган. Бешинда ором олаётган чақалоққа ҳам, ажиб бир энтикиш билан гушангага қадам қўяётган келин-куёвга ҳам барча эзгу ниятлар қўшиқ тили билан баён этилади. Ўзбек халқ қўшиқларининг мавзу доираси шу қадар ранг-барангли, ҳозиргача бир неча мажмуалар нашр этилганлигига қарамадан: қайер булоқдай бой халқ ижоди хазинасининг не-не жевҳирлари қалғача оммалаштирилгани йўқ. Бунинг устига маънавий меросимизда турлича аралашувлар оқибатида қадимий маросимларимизнинг бир қисми йўқолиб, унда жиқро этиладиган қўшиқлар ҳам унутулиб кетди. Ана шундай «ўтмиш сарқити» деган машҳур ёрлик ёлтирилгани сабабли ҳозиргача рўшнолик

нималигини билмай, эътибордан четда қолиб келаётган тафаккур дурдоналаридан бири — рўза ойларига рамазон айтиш аниъанасидир. Элимизнинг кўнча аниъаналарига кўра, рўза ойи — рамазоннинг учинчи кунини ўғил болалар уйма-уй юришиб, «рамазон» қўшиқларини айтишган. Рамазон қўшиқлари қачонлардир катталар томонидан ижро этилган бўлиб, кейинчалик болалар репертуарига ўтиб қолган. Маҳалла болалари эшик-ма-эшик юришиб, «Рамазон» айтганда, хонадон соҳибининг савоби учун баҳоли қудрат атаганини (бирор егулик, танга-чақа ёки пул) чиқариб берса, болалар шу уй эгалари ҳақида яхши сўзлар, истакларини баён этишган. Маънавий рамазон айтувчиларга ҳайри-садақа берилмаса, болалар ҳазил-мутойибали мисралар билан уй эгасини қалақ қилиб, нариги ҳовлига ўтиб кетишган. Бу ўзига хос аниъана бўлиб, ҳар йили рўзада «Рамазон» айтиш расми бўлган. Жумҳуриятимизда вилоятларда «Рамазон», «Рабиман», «Рамазон» номи билан аталувчи бу қўшиқлар ҳозиргача диний асар деб баҳоленди ва бирор-бир муқаммал намунаси эълон қилинган ҳам йўқ. Аслида «Рамазон» қўшиқларининг бош гоҳиси инсоф ва адолатин

унлаш, эзгуликнинг ҳаётбахш нурига талпиниб, инсон дилидаги покиза туйғулarga қанот бахш этиш, хайр-саховат, меҳр-оқибат ва инсонпарварликни тарғиб этишдан иборатдир. Халқимиз бадий тафаккури-нинг фаройиб мўъжизаларидан бири бўлган «Рамазон» қўшиқлари миллий маданиятимизнинг ажралмас қисми саналади. Қуйида ана шу ажиб халқ қўшиқларидан бирини эътиборингизга ҳавола қилмок-дамиз.

Ассалому алайкум ётган киши, Тангрининг шомолига ботган киши, Рўзанин уч кун тўтиб келдик сизга, Рўзанин закотининг беринг бизга. Берсангиз бермасангиз не гамми бор, Рамазонни айтганининг савоби бор, Рўза туг, номоз ўқи жонинг учун, Йилда бир закот бер молинг учун, Шу уйнинг энгарини энгашади, Бой билан бойвучаси кенгашади, Бой кўтондан кўй берман дейди, Бойвучаси бугчадан тўн берман дейди, Бойвучаси берган кўйнинг боғи йўқ, Бойбува берган кўйнинг қулони йўқ, Рўзани тутганнинг имони йўқ, Рамазон айтганларнинг армони йўқ, Тоғдан тойриלב тушди тарил така, Ҳимматингиз кўрайлик ётган ака, Шу уйнинг чангароғи чоқ-чоққина, Ичида бир олам бор олоққина, Қўшариқдан ириб ўтган кўйнинг изи, Гулдан белбоғ тикади боининг қизи, Олажон белбоғ беринг белимизга, Мақтаб-мақтаб кетайлик элимизга, Мақтаб-мақтаб берган бўлиб куйган, Эгилб апроқлари ерга тийган, Шу уйда бир одам бор худо суйган, У кишининг ҳилмати элга тийган.

Агар уй эгаси бирор нарса чиқариб берса, рамазон айт-увчилар уни шундай алқайди-лар:

К А В И Д А В А К

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Наврўз айёми сабаб уйимизга кишлоқдан аям келдилар. Менга атаб чуст нуска дўппи тиккан эканлар, ўз кўллари билан бошимга кийдирдилар-да!

— Энди, бу ҳаёт шунақа экан-да, бугун бормиз, эрта-га... — Нима! — уйга ҳавлим қочди. — Ким, нимага! Эрталаб ҳаммаси соғ эди-ку! Аям ҳам, Хонадон отилиб чиқдим. Кабинетга кирдим-да, ҳансираганча уйга кўнгирак қилдим. Трубкадан хотинимнинг жарангдор овози келди, лекин мендаги кўрқува ҳали тарқамасди. — Зуфия тинчликми! — Нима гап ўзи, тинчликми! — деган овоз келди трубкадан.

Кетин хоналарига тарқалишди. Бошлиққа гапириб учун оғиз муфтадим. — Чикинг, чикинг, душанбадан кайфиятин кенд қилдингиз, — деди у юзини четга ўтиргача ва кўзига қўйди. — Бу қачон дўппи кийиб юривди! Шалвариб чиқдим. Ҳаммаси-ларим кенгача менга ёқараш қилиб юришди. Ишдан қайта-этиб, дўқонларга кириб ўтдим. Қани энди, бирор нарса-ни навбат билан олосам. Одамлар ҳадеб менинг навбатим олиб қўйишар, четга суришарди. Қани уларга мен ҳам шаҳарда лшайман, фақат дўппи кийиб олганман, дея олсам.

Бир дунё газабу гам билан уйга келсам, хотинимнинг қовғидан қор ёғпти. Еттинчи синфда ўқийдиган қизим кўзда ёш, бир бурчада «пик-пик» қилапти. — Яна нима гап! — дедим бўкириб. — Дедаси, секинроқ, бугун етарли ўзи, — деди хотиним йилгаудек бўлиб. — Нима бўлди ахир! — Аям Нарғизнинг сочиний майда ўриб мактабга жўнатган экан, болалар кенгача уни масхара қилишбди. — Ахир тинчлик экан-ку. — Яна нима бўлиши керак эди. — Билмадим. Дўппи кийса бирор нарса бўлади шекилли... — Сал юзимга ёрулик тушиб диванга ёнбошладим. Дўппини отиб юборишимга бир баҳа қолди, лекин аям ёдимга тушди. Аям тушмасурай, келгуси — савфар келишида менга мисриш тўн келтирмоқчи эди. Уни ҳам кийиб кўнчага чиқсам, билмадим одамлар мен билан йиллаб кўришишармикан!

АГАР ТҮН КИЙСАМ...


лар менга бошқача назар билан қарашиб, бошқача оҳангда сўрашишарди. Е таваба, сўрашганларнинг юзиде мунг. Хайрон бўлиб ишхонага этиб бордим. — Э-э, Турғунбой тинчликми, дўстим, — ҳамхонам тез олдимга келиб икки қўллаб кўришди, бирпасда юзи тунд қиёфага кирди. — Кўринмай-сиз десам... — Нима! — дедим ҳеч нарсага тушунмай. У индамай бошини сараксак қилди-да, шовиб бошлиқнинг хонасига кириб кетди. Бироздан сўнг хўжайиннинг олдига қақриб қолишди. Ҳамма ходимлар ўша ерда экан, барчаси мен билан икки қўллаб, пичирлашиб кўришди. Рози солсам, ҳаммаёнинг юзиде гам соясин. Ҳайратим баттар ошиб, улар билан индамай кўришдим. Ҳавлида, қайси ходим бандачиликни бажо қилди экан, деган ўй айланди. Лекин, хонада ҳаммаси бор-дек, бошлиқ негадир менга

тичликганча пешонасини тириштириб пичирлади: — Энди, бу ҳаёт шунақа экан-да, бугун бормиз, эрта-га... — Нима! — уйга ҳавлим қочди. — Ким, нимага! Эрталаб ҳаммаси соғ эди-ку! Аям ҳам, Хонадон отилиб чиқдим. Кабинетга кирдим-да, ҳансираганча уйга кўнгирак қилдим. Трубкадан хотинимнинг жарангдор овози келди, лекин мендаги кўрқува ҳали тарқамасди. — Зуфия тинчликми! — Нима гап ўзи, тинчликми! — деган овоз келди трубкадан.

Кўпчилик мухлислар бу командани доимо омади келди, деб юришди. Ҳў, гап омадга эмас экан. Биз ҳам спартакчиларнинг шундай кучли клубни ютишини кутган эдик. Ҳар иккала ўйинни синчловлик билан қузатган мухлис бўлса ҳам «Спартак»нинг ҳам «Динамо»нинг хужумлари, тактикалари испанларникидан қанчалик фарқланшини сезиб олади. Лекин киевликлар ўз майдонларида шундай ажойиб ўйин кўрсатганларида борми. Афсус... Майли, энди «Спартак»ка омад тилайдиган ўзга чорамиз йўқ. Энг қувончлиси, мамлакатимиз футбол тарихида шўро командалари орасида Чемпионлар кубоғининг ярим финалида улар илк марта қатнашдилар.

КРОССВОРД * КРОССВОРД * КРОССВОРД

ЭНИГА: 1. Ой номи. 4. Африка халқларининг мусиқа асоби. 8. Узум нави. 9. Халқ усталари қурган бино. 10. Бразилия футбол командаси. 11. Уйғур, ўзбек халқларининг урма мусиқа асоби. 18. Қуёшга тик қарай оладиган йиртич. 19. Ўзбекистондаги тоғ. 20. Баҳодир, бақувват сўзалари маънодоши. 21. Дирек баргли, никотинга бой ўсимлик. 22. Фосфатли ўғитлар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган маъдан. 23. Вилим олувчи, илхосманд.



БҮЙИГА: 1. Утга чидамли, толали маъдан. 2. Амриқо қитъасидаги мамлакат пойтахти. 3. Доиранинг маълум қисми. 5. Ҳаттир хидли рангсиз газ. 6. Таом ёки чой сақланадиган рўзгор буюми. 7. Иссиқлик ва электрин яхши ўтавадиган қотшма, ашё. 12. Шота Руставелининг «Пўлбарс терисини ёлпиган паҳлавон» асари қаҳрамони. 13. Ҳарбий мудофаа куроллари. 14. Болалар адаби. «Чипполинонинг саргузаштлари» асари муаллифи. 15. Теран, тол қаблиларнинг тўшули. 16. Мусиқа асари тури. 17. Халқ органи ижоди соҳаси, кулгили ҳикоя.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.



Балли «Спартак», хайр...

Кечаги пайшанбаги футбол мухлислари энди анча вақтгача эслаб юришди. Гарчи бу матчлар бир кун аввал ўтказилган бўлса-да, Чунки мамлакатимизнинг ҳамма бурчақлари учун чоршанба кунини қолган икки ўйинни намойиш этишининг имкони бўлмаган.

Дастлабки ўйинлар ўтказилган «Динамо» ва «Спартак» «Барселона» ҳамда «Реал»га барибир ютқазгани анча деяр умидимизни узган эдик. Биргина ишончимиз «Торпедо»дан эди. Бу футболда. Тахмин-у, башоратлар доимо тўғри чиқармас экан. Ансига олиб «Торпедо» ўз майдонда ўн бир метрлик бўйича ютқазиб қўйди. Кутилмаган ҳисоб. Ишонгинг келмайди. У ёнда-чи? «Испанияда нима гап экан?» Бир тун безовта ўтди.

«Спартак» Кўпчилик мухлислар бу командани доимо омади келди, деб юришди. Ҳў, гап омадга эмас экан. Биз ҳам спартакчиларнинг шундай кучли клубни ютишини кутган эдик. Ҳар иккала ўйинни синчловлик билан қузатган мухлис бўлса ҳам «Спартак»нинг ҳам «Динамо»нинг хужумлари, тактикалари испанларникидан қанчалик фарқланшини сезиб олади. Лекин киевликлар ўз майдонларида шундай ажойиб ўйин кўрсатганларида борми. Афсус... Майли, энди «Спартак»ка омад тилайдиган ўзга чорамиз йўқ. Энг қувончлиси, мамлакатимиз футбол тарихида шўро командалари орасида Чемпионлар кубоғининг ярим финалида улар илк марта қатнашдилар.

- 24 MART — ЯҚШАНБА
- 8.00 «Хафтанона» (так-пор.)
- 9.00 «Яшил қарагайлар сирри». Вадий фильм (Свердловск киностудияси). 10.20 «Ҳамкорлик самараси». Телефильм. 10.50 Мелос. «Сегоҳ». 11.50 «Исон ва аτροφ муҳит». Экология масалаларида бағишланади. 12.50 Спорт кўрсатувлари: 1. Вакетбол. 2. Таэквандо. 13.50 «Сиз севган достонлар». Қаландар Норматов ижросида «Хирмондан» достони. 14.50 «Деҳқон ва замин».
- 18.00 «Малахит қутчаси». Мультифильм. 18.20 Болалар учун «Ничинтой» кўрсатуви. 18.50 «Фан». Телеюнома. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Қишлоқ ҳақида ўйлар». 20.30 «Саҳарот». 20.50 «Иқдор ахборотлари». Зоҳиджон Ойдов. 21.30 Москва. «Вақт». 22.15 «Поклония». Вадий фильм («Тожиқфильм»). 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

- ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ: 9.00 «Сапеда». Муслиқ ахборот. 10.05 «Ҳар бир кишини ва барчага». Режисса. 10.10 «Офарини». 11.00 «Ноқдаун». Вадий фильм.
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Ноқдаун». Вадий фильм. 19.15 «Союз рози чавони». Исмагулло Холтов куйлайди. 20.00 «Хафта». 20.30 «Панди ниёгон». 20.40 Василий Шукшин ҳикоялари асосида теленовелла. 21.30 Москва. «Вақт». 22.15 «Таронахон Шарқ». Эрон хонадаси Ахдия ва Далер Назаров гуруҳининг концерти. 24.00 «Телетомошабин ҳамроҳи».

- 8.30 «ТСН». 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спортлото» тиражи. 9.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув. 10.30 «Ватан хизматида». 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 «Сабҳатчилар клуби». 13.30 «Қишлоқ анжликлари». 14.30 «Муслиқий киоска». 15.00 «Веди». 15.30 «ТСН». 15.45 «Марафон-15». 17.00 МТ 1 нинг променад-концерти. 18.40 «Уолт Дисней таништиради...»

- Яқшанба кинозали
- 19.30 «Афсона». Хужжатли фильм премьераси (Фарбий Сибирь кинохроника студияси). «Йуғлар». Мультифильм (Канада). 20.20 «Шерлок Холмс ва янги қурол». Вадий фильм (АҚШ). 21.30 «Вақт». 22.15 Телевизион танишув. СССР халқ артисти В. Спиваков. 23.35 «ВНД» таништиради. «Виржа томошалари». Муслиқ программа. 00.35 «Намижа мустақиллик сари узок йўл». Хужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»).
- Тунги телевидение
- 01.00 «Бир биографиядан парчалар». Аргентина композиторларининг куйларига яратилган фильм-балет. 01.55 «Тунги ўғил». Телевизион бадий фильм. 2-сери.